

ЁҒОЧ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Мамадалиев А. Т

Наманган давлат техника университети доценти

Бахриддинов Н. С

Наманган давлат техника университети доценти

Мамаджанов З.Н

Наманган давлат техника университети доценти

Аннотация: Ушбу мақолада ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш жараёнида меҳнат муҳофазаси қоидаларини ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, бунда ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш ва улар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича фикр юритилган.

Калит сўзлар: касб касаллиги, хавфли омил, зарарли омил, шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток, ноқулай меҳнат шароити, метеорологик кўрсаткичлар, даволаш-профилактика, маиший хоналар

PREPARATION OF WOODEN BUILDING MATERIALS PROTECTION OF LABOR IN THE PROCESS DEVELOPMENT OF RULES

Mamadaliyev A. T

Associate Professor of Namangan State Technical University

Bakhriddinov N. S

Associate Professor of Namangan State Technical University

Mamadzhanov Z. N

Associate Professor of Namangan State Technical University

Abstract: This article is devoted to the development of labor protection rules in the process of manufacturing wooden building materials, which consider the protection of workers from harmful and dangerous factors of the production environment and the creation of safe working conditions for them.

Keywords: occupational disease, dangerous factor, harmful factor, noise, vibration, electric shock, static current, unfavorable working conditions, meteorological indicators, treatment and prevention, household premises

Тўғри ташкил этилган меҳнат кишининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камол топишига олиб келади. Меҳнатнинг хусусияти ёки ишлаб чиқариш шароити одамнинг иш қобилияти ёки соғлигига салбий таъсир қила оладиган ҳоллар ишлаб чиқаришда касбга доир зарарлар борлигидан далолат беради. Касалликнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш муҳитининг физикавий, кимёвий, биологик омиллар таъсири оқибатида бўлиши мумкин[1,2].

Ҳозирги кундаги меҳнат муҳофазасининг асосий вазифаси иш унумдорлигини энг юқори даражада ошириш ва ишловчиларнинг соғлигига зарарли таъсир қилмайдиган шароитларни таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ёғоч қурилиш материалларини тайёрлаш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилишда шу ерда ишловчи барча ходимларни ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари ҳамда билимлари синовдан ўтказилиши ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, уларнинг ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишига олиб келади. Бунда ёғоч ишлаб чиқариш корхонасидаги хавфли ва зарарли меҳнат шароитлари, иш ўринлари ва ҳудудларининг санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига ҳамда ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифи ишлаб чиқиб барча ходимлар таништирилиш лозим бўлади. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига

мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим[3,4].

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларида меҳнат муҳофазаси талабларини ишлаб чиқишда қуйидагиларга аҳамият бериш лозим.

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларида ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёردа сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари[4,5,6].

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида умумжамоа муҳофаза воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўргичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Агарда умумжамоа муҳофаза воситалари корхонада зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланишга рухсат берилади. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз ишчи ходимларини ишлаши тақиқланади.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут (шунга тенг бошқа озик-овқат маҳсулотлари), даволаш-профилактика озик-овқати, газли шўр сув (иссиқ цехларда ишловчилар

учун), махсус кийим-бош, махсус пойабзал, бошқа шахсий химоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши лозим.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари ишни бажаришнинг хавфсиз усулларига ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ синовдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланишга ҳамда уларнинг юк кўтариши ва ташишига норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ рухсат этилиши лозим[1,2,7,8].

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари маъмурияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси қўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўрикка келишини таъминлаши лозим.

Корхонада ишлаётган ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.

Корхонада мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни маъмурият ишдан четлаштириши шарт.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари бинолари ҚМҚ 2.09.02 “Ишлаб чиқариш бинолари” талабларига мувофиқ лойиҳаланиб, ўтиш, чиқиш йўллари, коридор, тамбур, нарвонлар турли жисмлар ва асбоб-ускуналар билан тўсиб қўйилишига рухсат этилмайди. Эвакуация чиқиш йўлларининг барча эшиклари бинодан чиқиш йўналиши бўйича очилиши, ишлаб чиқариш хоналари поллар текис, ёриқларсиз, тешиқларсиз ва шишиб чиққан жойлари бўлмаслиги, ҚМҚ 2.03.13 “Поллар” талабларига мувофиқ бажарилган бўлиши лозим бўлади.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари биноларида шамоллатиш ва иситиш ҚМҚ 2.04.05-97 “Иситиш, шамоллатиш ва кондиционерлаш” талабига ва бино ва иншоотларнинг ишлаб чиқариш хоналарида ҳаводаги зарарли моддалар миқдори СанҚваМ 0046-95 “Гигиеник нормативлар. Иш ҳудуди ҳавосида зарарли моддаларнинг рухсат этилган энг кўп миқдорлари” талабларига мувофиқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Корхонанинг ўтиш жойларида (галереяларда, зиналар майдончаларида ва шунга ўхшаш) жойлашган иситиш жиҳозлари (кувурлар, регистрлар ва шунга ўхшашлар) рухсат этилган ўтиш йўлчаларининг энини камайтирмаслиги керак.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари ишчи жойларида ҳаво ҳарорати йилнинг совуқ даврида энгил жисмоний ишларда 21°C, ўрта оғир ишларда 17°C ва оғир ишларда 16°C дан паст бўлмаслиги, ходимларнинг исиниши учун хоналарда ҳаво ҳарорати 22°C дан кам ва биноларда жойлашган ишчи майдонларидан, ходимларнинг исиниш хоналаригача бўлган масофа 75 м, ташкилот майдонидаги ишчи жойларидан 150 м дан кўп бўлмаслиги керак бўлмаслиги лозим[9,10].

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари сув билан таъминлаш ва канализация тизими ҚМҚ 2.04.01-98 “Биноларнинг ички сув қузури ва канализацияси” талабига мос келиши керак.

Корхонадан ишлаб чиқариш оқова сувлари, ташқи канализацияга етиб келгунча зарарли моддалардан тозаланиши, тозаланган сувда зарарли моддалар таркиби санитар нормаларига асосан чегараланган концентрациясидан ошиб кетиши керак эмаслиги, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бериладиган сувнинг сифати технологик талабларга мос бўлиши, ичимлик сувдан фойдаланиш учун сув қузурига уланган фавворачалар бўлиши керак, иш жойидан сув ичиш қурилмасигача бўлган масофа 75 м дан ошмаслиги, ичимлик сувининг ҳарорати 8°C дан 20°C гача бўлиши керак бўлади.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари майдонида, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ва хоналарда табиий ва сунъий ёритишлар ҚМҚ 2.01.05-98 “Табиий ва сунъий ёритиш” талабларига мувофиқ бўлиши, ёритиш ускуналарини ўрнатишда қандилларнинг турлари, лампаларнинг қуввати ва уларнинг жойлашиши тасдиқланган лойиҳага мос бўлиши, ишлаб чиқариш цехларидаги, хом ашё омборлари ва юк тушириш-ортиш майдонларидаги технологик ускуналар умумийга қўшимча равишда кўчма ёритиш мосламалари билан таъминланган бўлиши, авария ёритиш тармоқларига электр энергия истеъмолчиларини улаш тақиқланиб, авария ёритишларининг созлиги камида чоракда бир марта текширилиши лозим.

Юқори хавфли хоналарда кучланиши 36 В дан юқори бўлмаган кўчма электр ёритгичлар ишлатилиши керак. Ўта хавфли хоналарда, хоналардан ташқари ҳамда ускуналар ва иншоотлар (бункерлар, силосослар, қудуқлар, буғлантириш камералари, туннеллар ва бошқалар)ни ёритиш учун кўчма электр ёритгичларнинг кучланиши 12 В дан ошмаслиги керак. Барча кўчма ёритгичларнинг металл ҳимояланиш тўри ҳамда шиша қалпоғи бўлиши керак.

Ёғоч қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида ҚМҚ 2.09.12-98 “Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший хоналар” қоидалари талаблари ва мазкур Қоидаларга мувофиқ санитария-маиший ва қўшимча хоналар бўлиши лозим, маиший хоналар имкон қадар иш жойларига яқин жойлаштирилиши, махсус кийим-кечак ва баданнинг катта даражада ифлосланишини юзага келтирадиган муҳитдаги иш участкаларида ишловчи ходимлар учун махсус маиший хоналар жиҳозланиши, уй ва иш кийимлари сақланадиган гардероблар, ҳожатхоналар, ювиниш ва чўмилиш хоналари эркаклар ва аёллар учун алоҳида бўлиши лозим.

Кийим алмаштириш хоналари, душхоналарнинг ўлчамлари, душ сеткалари, оёқ ванналари, бет-қўл ювгичлари, истеъмол сув таъминоти қурилмалари, ҳожатхоналар ва бошқа шу каби қурилмаларнинг сони, кўпчиликни ташкил этадиган сменада ишловчиларнинг сони ҳисобга олинган

холда белгиланиши, душхоналар ва ҳожатхоналардаги тарновлар, каналлар, траплар, писсуарлар ва унитазлар мунтазам равишда тозаланиши, ювилиши ва дезинфекция қилиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 22.09.2016 йилдаги ЎРҚ-410-сон
2. Н.Бахриддинов. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.Ўқув қўлланма. Тошкент. 2023й
- 3.Бахриддинов, Н. С., & Мамадалиев, А. Т. (2024). МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ИШ КУНЛАРИГА БОҒЛИҚЛИГИ. *Экономика и социум*, (6-1 (121)), 969-973.
4. Бахриддинов, Н. С., & Мамадалиев, А. Т. (2024). МЕХАНИКА ЦЕХЛАРИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. *Экономика и социум*, (4-2 (119)), 636-639.
5. Мамадалиев, А. Т. (2024). МЕҲНАТНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ТОЛИҚИШ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ. *Экономика и социум*, (3-2 (118)), 680-683.
6. Мамадалиев, А. Т. (2024). ШОВҚИН ВА ТЕБРАНИШЛАР МАВЗУСИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ. *Экономика и социум*, (5-2 (120)), 1117-1120.
7. Бахриддинов, Н. С., Мамадалиев, А. Т., & Мамаджанов, З. Н. (2025). ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ. *Экономика и социум*, (4-1 (131)), 755-760.
8. Baxriddinov, N. S., Mamadaliev, A. T., & Mamadjanov, Z. N. (2025). QISHLOQ XO 'JALIGIDA MEHNAT GIGIYENASI. *Экономика и социум*, (4-1 (131)), 125-131.
- 9.Бахриддинов, Н. С., & Мамадалиев, А. Т. (2024). ПАЙВАНДЛАШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШДА ИШЛОВЧИЛАР МЕҲНАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ. *Экономика и социум*, (4-1 (119)), 786-789.
10. Бахриддинов, Н. С., Мамадалиев, А. Т., & Рахимов, Ж. (2024). КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТИЗИМЛИ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ. *Экономика и социум*, (5-2 (120)), 907-910.